

2026

ДУНЁ БҶИЛАБ
ПРЕЗИДЕНТЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ
САЙЛОВЛАРИ



2025 йилги сайлов якунлари ва 2026 йилда режалаштирилаётган сайлов ва референдумлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

I. 2025 йил якунига кўра, сайлов кампаниялари жами **76 та** давлат ва ҳудудларда ўтказилди.

Миллий миқёсдаги сайлов кампанияларининг умумий сони парламент палаталари ҳамда овоз бериш босқичларини инобатга олган ҳолда **93 та**ни ташкил этди. Шу жумладан:

– **12 та** давлатда президент сайловлари ўтказилди (масалан: Абхазия, Беларусь, Ж.Корея, Ирландия, Польша, Руминия, Хорватия);

– **50 та** давлатда парламент сайловлари ўтказилди (масалан: Аргентина, Австралия, Германия, Гренландия, Канада, Қирғизистон, Молдова, Нидерландия, Португалия, Тожикистон, Чехия, Япония);

– **12 та** давлатда президентлик ва парламент сайловлари бир вақтда ўтказилди (масалан: Боливия, Танзания, Чили, Эквадор);

– **2 та** давлатда парламент сайловлари ва референдумлар бир кунда ўтказилди (Кайман ороллари, Науру);

– **9 та** давлатда референдумлар ўтказилди (масалан: Италия, Словения, Тайвань, Швейцария);

– **6 та** давлатда икки маротаба сайловлар ўтказилди (масалан: Габон, Гвинея, Кот-д’Ивуар, Косово, Эквадор).

Сайлов жараёнлари ўтказилган давлатларнинг умумий аҳолиси сони тахминан **1,5 миллиард нафарни**, сайловчилар сони эса **800 миллион нафардан ортиқни** ташкил этди. Ушбу сайловлар геосиёсий ўзгаришлар ҳамда ҳокимиятлар нисбатининг қайта шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этди.

Натижада, дунё сиёсий маконида ўнг (консерватив) ва ўнг-марказчи сиёсий кучлар таъсирининг нисбатан кучайгани, айрим ривожланган давлатларда эса сўл-либерал сиёсий кучлар позицияларининг заифлашгани қайд этилди. Бу тенденциялар ички сиёсий барқарорлик ва ташқи сиёсат устуворликларига маълум даражада таъсир кўрсатди.

II. 2026 йилда 49 та давлатда 54 та сайлов ва референдумлар ўтказилиши назарда тутилмоқда. Жумладан:

- **9 та президент сайловлари** (масалан: Португалия, Болгария);
- **31 та парламент сайловлари** (масалан: АҚШ, Россия, Япония, Венгрия, Арманистон, Латвия, Исроил, Швеция, Дания, Марокаш);
- **10 та президент** ва **парламент сайловлари** бир вақтнинг ўзида (масалан: Бразилия, Босния ва Герцеговина, Коста Рика, Перу, Уганда);
- **2 та парламент сайлови ва референдумлар** бир вақтнинг ўзида (масалан: Таиланд, Бангладеш);
- **2 та референдумлар** ўтказилади (масалан: Италия, Швейцария).

Минтақалар кесимида энг кўп сайловлар **Африка (18 та)** ва **Европа (16 та)** ҳиссасига тўғри келади. Сайловлар **1,8 миллиард** нафардан ортиқ аҳолини қамраб олиши, **1 миллиард** нафарга яқин сайловчи овоз беришда иштирок этиши кутилмоқда.



Парламент сайлови

Бенин	11 январь	Россия	18-20 сентябрь
Япония	8 февраль	Мэн ороли	24 сентябрь
Барбадос	11 февраль	Марокаш	сентябрь
Лаос	22 февраль	Багама	сентябрь
Непал	5 март	Сан-Томе ва Принсипи	сентябрь
Колумбия	8 март		
Вьетнам	15 март	Латвия	3 октябрь
Словения	22 март	Чехия	9-10 октябрь
Венгрия	12 апрель	Дания	октябрь
Кабо-Верде	17 май	Исроил	октябрь
Кипр	24 май	АҚШ	3 ноябрь
Ливан	май	Баҳрайн	ноябрь
Эфиопия	1 июнь	Янги Зеландия	7 ноябрь
Арманистон	7 июнь	Болгария	номаълум
Жазоир	июнь	Камерун	номаълум
Швеция	13 сентябрь	Фижи	номаълум



Парламент ва Президент сайлови

Уганда	15 январь
Коста Рика	1 февраль
Перу	12 апрель
Замбия	13 август
Гаити	30 август
Бразилия	4 октябрь
Босния ва Герцеговина	4 октябрь
Гвинея-Бисау	6 декабрь
Жанубий Судан	22 декабрь
Ливия	номаълум



Президент сайлови

Португалия	18 январь	Сан-Томе ва Принсипи	июль
Конго	22 март		
Бенин	12 апрель	Болгария	8 ноябрь
Жибути	апрель	Кабо-Верде	15 ноябрь
Колумбия	31 май	Гамбия	5 декабрь



Парламент ва Референдум

Таиланд	8 февраль
Бангладеш	12 февраль
Референдум	
Италия	22-23 март
Швейцария	8 март, 14 июнь, 27 сентябрь

**2026 йилда дунё бўйлаб президентлик ва вакиллик органларига
ўтказиладиган сайлов ва референдумлар**

№	Давлат номи		Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
ОСИЁ ҚИТЪАСИ				
1.		Япония	8 февраль	парламент
2.		Таиланд	8 февраль	парламент ва референдум
3.		Бангладеш	12 февраль	парламент ва референдум
4.		Лаос	22 февраль	парламент
5.		Непал	5 март	парламент
6.		Вьетнам	15 март	парламент
7.		Ливан	май	парламент
8.		Исроил	октябрь	парламент
9.		Баҳрайн	ноябрь	парламент
ЕВРОПА ҚИТЪАСИ				
10.		Португалия	18 январь	президент
11.		Швейцария	8 март, 14 июнь, 27 сентябрь, 29 ноябрь	референдум

№	Давлат номи		Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
12.		Словения	22 март	парламент
13.		Италия	22-23 март	референдум
14.		Венгрия	12 апрель	парламент
15.		Кипр	24 май	парламент
16.		Арманистон	7 июнь	парламент
17.		Швеция	13 сентябрь	парламент
18.		Россия	18-20 сентябрь	парламент
19.		Мэн ороли	24 сентябрь	парламент
20.		Латвия	3 октябрь	парламент
21.		Босния ва Герцеговина	4 октябрь	президент ва парламент
22.		Чехия	9-10 октябрь	Сенат
23.		Дания	октябрь	парламент
24.		Болгария	8 ноябрь	президент
25.			номаълум	парламент
АМЕРИКА ҚИТЪАСИ				
26.		Коста Рика	1 февраль	президент ва парламент
27.		Барбадос	11 февраль	парламент

№	Давлат номи	Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
28.	 Колумбия	8 март	парламент
29.	 Перу	12 апрель	президент ва парламент
30.	 Колумбия	31 май	президент
31.	 Гаити	30 август	президент ва парламент
32.	 Багама	сентябрь	парламент
33.	 Бразилия	4 октябрь	президент ва парламент
34.	 АҚШ	3 ноябрь	парламент (оралиқ сайловлар)
АФРИКА ҚИТЪАСИ			
35.	 Бенин	11 январь	парламент
36.	 Уганда	15 январь	президент ва парламент
37.	 Конго	15 март	президент
38.	 Бенин	12 апрель	президент
39.	 Жибути	апрель	президент
40.	 Кабо-Верде	17 май	парламент
41.	 Эфиопия	1 июнь	парламент

№	Давлат номи		Сайлов ўтказиладиган муддат	Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи
42.		Жазоир	июнь	парламент
43.		Сан-Томе ва	июль	президент
44.		Принсипи	сентябрь	парламент
45.		Замбия	13 август	президент ва парламент
46.		Марокаш	сентябрь	парламент
47.		Кабо-Верде	15 ноябрь	президент
48.		Гамбия	5 декабрь	президент
49.		Гвинея-Бисау	6 декабрь	президент ва парламент
50.		Жанубий Судан	22 декабрь	президент ва парламент
51.		Камерун	номаълум	парламент
52.		Ливия	номаълум	президент ва парламент
ОКЕАНИЯ				
53.		Янги Зеландия	7 ноябрь	парламент
54.		Фижи	номаълум	парламент

2026 йилда дунё бўйлаб ўтказиладиган президентлик ва вакиллик органларига сайлов ва референдумлар

I. ОСИЁ ҚИТЪАСИ



1. Япония

Сайлов куни: 8 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Япония Вакиллар палатасининг 465 та ўрни параллел овоз бериш тизими орқали тақсимланади. Шундан 289 нафар аъзо бир мандатли сайлов округларида оддий кўпчилик овоз бериш тизими асосида, қолган 176 нафар аъзо эса 11 та кўп мандатли округда партиявий рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими бўйича сайланади. Қонуний сиёсий партия мақомига эга бўлган (камида 5 нафар Диёт аъзоси ёки камида 1 нафар аъзо ва охириги миллий сайловларда камида 2% овоз тўплаган) партияларнинг номзодлари бир вақтнинг ўзида ҳам округдан, ҳам партия рўйхатидан номзод сифатида қатнашиши мумкин. Агар улар округдаги сайловда мағлуб бўлсалар, пропорционал ажратилган ўринлар орқали сайланиш имкониятини сақлаб қоладилар; бироқ, агар бундай “иккиёқлама номзод” ўз округида 10 % дан кам овоз тўпласа, у пропорционал рўйхат бўйича ҳам сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.



2. Таиланд

Сайлов куни: 8 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент ва референдум.

Сайлов тизими: 500 нафар парламент аъзоси параллел овоз бериш тизими орқали сайланади. Бунда 400 та ўрин бир мандатли сайлов округларидан **мажоритар** тизими асосида, 100 та ўрин эса **пропорционал вакиллик** тизими асосида тўлдирилади. Сайловчилар ҳар икки турдаги депутатлик ўринлари учун алоҳида бюллетенлар орқали овоз берадилар.

2017 йилги Таиланд Конституциясига кўра, Бош вазирлар фақат олдиндан эълон қилинган номзодлар рўйхатидан танланиши мумкин. Ҳар бир партия учтагача номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу номзод кўриб чиқилиши учун партия Вакиллар палатасида камида 5 фоиз (25 нафар депутат) ўринга эга бўлиши шарт.

Конституциявий референдумда сайловчилар амалдаги Конституцияни янгиси билан алмаштириш жараёнини бошлашни қўллаб-қувватлашлари ёки қўллаб-қувватламасликлари юзасидан овоз берадилар.



3. Бангладеш

Сайлов куни: 12 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент ва референдум.

Сайлов тизими: 350 нафар парламент аъзоси бир мандатли сайлов округларидан **мажоритар** (оддий кўпчилик овоз бериш) тизими орқали тўғридан-тўғри сайланадиган **300 та ўрин** ҳамда хотин-қизлар учун ажратилган қўшимча **50 та захира** ўриндан иборат.

Захира ўринлари сайланган депутатлар томонидан пропорционал равишда сайланади. Парламентнинг ваколат муддати беш йилни ташкил этади.

Муваққат ҳукумат сайлов олдидан ислохотлар, жумладан, ягона номзод кўрсатилган округлар учун “барчага қарши” тизимини қайта жорий этди. Бу Бангладеш тарихида хориждаги ватандошлар овоз бериши мумкин бўлган биринчи умумий сайлов бўлади.

Сайловчиларга “Июль хартияси” қоидалари ва Бангладеш Конституциясига тегишли ўзгартиришлар ҳақида саволлар берилади: "Сиз 2025 йилдаги “Июль миллий хартиясини (Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида) амалга ошириш тўғрисида”ги фармонни ҳамда Июль миллий хартиясида қайд этилган конституциявий ислохотлар бўйича қуйидаги таклифларни маъқуллайсизми?"

а. Сайлов давридаги муваққат ҳукумат, Сайлов комиссияси ва бошқа конституциявий институтлар Июль хартиясида белгиланган тартибда шакллантирилади.

б. Кейинги чақириқ Парламенти **икки палатали** бўлади. Сиёсий партияларнинг умумий сайловларда тўплаган овозлари нисбатига асосланган 100 аъзодан иборат юқори палата ташкил этилади ва ҳар қандай конституциявий ўзгартириш юқори палатанинг кўпчилик овози билан тасдиқланиши талаб этилади.

в. Июль миллий хартияси доирасида сиёсий партиялар консенсусга (келишувга) эришган 30 та ислохот таклифи — жумладан, Парламентда аёллар вакиллигини ошириш, Спикер ўринбосари ва парламент қўмиталари раисларини муҳолифатдан сайлаш, Бош вазир ваколат муддатини чеклаш, Президент ваколатларини кенгайтириш, асосий ҳуқуқларни кенгайтириш, суд тизими мустақиллиги ва маҳаллий бошқарувни кучайтириш — бўлажак сайловда ғолиб чиққан партиялар учун мажбурий ҳисобланади.

г. Июль хартиясида кўрсатилган бошқа ислохотлар сиёсий партиялар томонидан қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ амалга оширилади.



4. Лаос

Сайлов куни: 22 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Миллий Ассамблеянинг 149 нафар аъзоси 18 та кўп мандатли сайлов округларидан беш йил муддатга сайланади. Бунда ҳар бир округда 5 тадан 19 тагача депутатлик ўрни мавжуд бўлиб, сайловлар кўп мандатли ўтказилмайдиган овоз бериш тизими асосида ўтказилади.

Ҳар бир сайлов округида сайловчилар тўлдирилиши лозим бўлган ўринлар сонига тенг миқдордаги номзодлардан иборат рўйхат учун овоз берадилар ва энг кўп овоз тўплаган рўйхат ўша округдаги барча мандатларни қўлга киритади.



5. Непал

Сайлов куни: 5 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Парламентнинг 275 нафар аъзоси икки хил усул орқали:

- **165 нафар депутат** бир мандатли сайлов округларидан мажоритар (оддий кўпчилик овоз бериш) тизими асосида;
- **110 нафар депутат** ягона умуммиллий сайлов округидан ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади.

Сайловчилар ҳар икки усул учун алоҳида сайлов бюллетенларидан фойдаланадилар. Пропорционал овоз бериш тизимида депутатлик ўринларига эга бўлиш учун партия ёки сайлов блоки умумий ҳақиқий овозларнинг камида **3 фоизлик сайлов чегарасидан** ўтиши шарт.



6. Вьетнам

Сайлов куни: 15 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Миллий Ассамблея аъзолари 184 та кўп мандатли сайлов округларидан икки босқичли тизим асосида сайланади, бунда сайланадиган номзодларнинг максимал сони 500 нафарни ташкил этади. Сайловларда блокчи овоз бериш усули қўлланилади ва ҳар бир округда икки ёки учта депутатлик ўрни мавжуд бўлади. Номзод биринчи турда сайланиши учун камида 50 фоиз овоз тўплаши лозим. Агар ўринлар тўлмай қолса, иккинчи тур нисбий кўпчилик овоз бериш тартибида ўтказилади.

Вьетнам Коммунистик партияси Вьетнамни **бир партиявий тизим** асосида бошқаради ва шу сабабли сайловларда иштирок эта оладиган ягона партия ҳисобланади. 2021 йилги сайловларда партия 500 та ўриндан 485 тасини қўлга киритган, қолган ўринлар эса ҳукуматга яқин бўлган Вьетнам Халқ Фронтининг мустақил аъзоларига насиб этган.



7. Ливан

Сайлов кuni: май (*расман эълон қилинмаган*).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Ливандаги сиёсий конфессионализм анъанасига мувофиқ, мамлакатдаги турли диний жамоалар ўртасида парламент мандатлари уларнинг демографик салмоғидан келиб чиққан ҳолда сайлов округлари кесимида тақсимланади. Овоз бериш жараёни пропорционал тизим асосида амалга оширилиб, сайлов натижаларини ҳисоблашда ҳар бир округдаги ҳақиқий овозларнинг умумий сони ушбу округга ажратилган ўринлар сонига бўлинади.

Мандатлар кворумга эришган рўйхатлар ўртасида тўпланган овозлар фоизига мутаносиб равишда тақсимланади; рўйхат ичида эса депутатлар диний жамоалар учун ажратилган квоталар ва номзодлар томонидан қўлга киритилган преференциал овозлар сони асосида аниқланади.

Ушбу мураккаб тизим Ливандаги турли этник-диний гуруҳлар ўртасидаги нозик сиёсий мувозанатни сақлашга қаратилган бўлиб, ҳар бир округда муайян диний конфессия вакиллари (масалан, маронит насронийлари, суннийлар, шиалар, друзлар ва бошқалар) учун аниқ миқдордаги ўринларни кафолатлайди.



8. Исроил

Сайлов куни: октябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Кнессетдаги 120 та депутатлик ўрни ягона умуммиллий сайлов округи доирасида ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида шакллантирилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий кучлар учун 3,25 фоизлик сайлов чегараси белгиланган бўлиб, ундан ўтган партияларгина парламентдан жой олиши мумкин.

Тизимнинг эътиборли жиҳати шундаки, иккита алоҳида партия ўзаро “қолдиқ овозлар тўғрисида келишув” имзолаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу уларга тақсимланмай қолган мандатлар учун худди ягона блок сифатида рақобатлашиш имконини беради.



9. Баҳрайн

Сайлов куни: ноябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Вакиллар кенгаши 40 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар бир мандатли сайлов округларидан икки босқичли тизим асосида сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири мутлақ кўпчилик овозни қўлга кирита олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади.

II. ЕВРОПА ҚИТЪАСИ



10. Португалия

Сайлов куни: 18 январь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими: Номзод сифатида иштирок этиш учун шахс келиб чиқишига кўра португалиялик ва 35 ёшдан ошган бўлиши, сайловга бир ой қолгунига қадар 7 500 нафар сайловчининг имзосини тўплаши ҳамда уларни Португалия Конституциявий судига тақдим этиши шарт. Шундан сўнг, Конституциявий суд тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов бюллетенига кирилиш талабларига мувофиқлигини тасдиқлайди.

Номзод сайланиши учун овозларнинг мутлақ кўпчилигини (50 фоиз +1) қўлга киритиши лозим. Агар биринчи турда ҳеч бир номзод етарли овоз тўплай олмаса, иккинчи тур ўтказилади.



11. Швейцария

Сайлов муддати: 8 март, 14 июнь, 27 сентябрь, 29 ноябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: референдум.

Сайлов тизими: Швейцарияда 2026 йилда 4 та референдум ўтказилиши режалаштирилган. 8 март куни ўтадиган референдумда тўртта масала бўйича овоз берилади. Буларга, нақд пул, жамоатчилик телерадиоэшиттириши, иқлим фонди ва индивидуал солиққа тортиш бўйича ташаббуслар киради. Сайловчилар:

– Швейцария Телерадиоэшиттириш корпорацияси учун йиллик лицензия тўловини 200 франк қилиб чеклаш ва бошқа компанияларни ушбу тўловдан озод қилиш;

– эр-хотинлардан алоҳида солиқ декларациясини топширишни талаб қилувчи индивидуал солиққа тортиш тизимини жорий этиш

– федерал иқлим фондини ташкил этиш ҳамда танга ва банкнотлар муомалада қолишини кафолатлаш орқали нақд пулни конституциявий ҳимоя қилиш масалалари бўйича овоз берадилар.

Қолган референдумларда овоз бериладиган масалалар парламент томонидан ҳозирча тасдиқланмаган.



12. Словения

Сайлов муддати: 22 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Миллий Ассамблея 90 нафар аъзодан иборат. Улардан 88 нафари 8 та сайлов округидан (ҳар биридан 11 нафардан депутат) очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Қолган иккита ўрин италиялик ва венгриялик кам сонли миллатлар учун ажратилган бўлиб, улар Борда саноқ усули орқали сайланади.

Сиёсий партиялар ёки рўйхатлар ўринларни тақсимлашда иштирок этиши учун умумий миллий овозларнинг камида 4 фоизлик сайлов оstonасидан ўтишлари шарт. Ҳар бир сайлов округи ичида депутатлик ўринлари Друп квотаси усули билан тақсимланади. Сайловчилар партия рўйхатидаги муайян номзодга преференциал овоз беришлари мумкин, бу эса ўша номзоднинг рўйхат ичидаги сайланиш тартибига таъсир қилади.

Словения 88 та сайлов округига бўлинган бўлса-да, ҳар бир округ ҳам депутат сайлаши шарт эмас, чунки баъзи округлардан партия рўйхатининг натижасига қараб бир нечта депутат сайланиши мумкин.

Номзодлар рўйхатига гендер квоталари амал қилади: номзодларнинг камида 35 фоизи ҳар бир жинс вакилларида иборат бўлиши керак. Фақат уч кишилик номзодлар рўйхати бундан мустасно бўлиб, унда ҳар бир жинсдан камида бир нафар вакил бўлиши шарт.



13. Италия

Сайлов муддати: 22-23 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: референдум.

Сайлов тизими: Ҳозирги тизимга кўра, италиялик судьялар ва прокурорлар умумий таълим оладилар ва фаолиятлари давомида бир касбдан иккинчисига (масалан, прокурорликдан судьяликка) ўтишлари мумкин.

Янги ислохот бунни таъқиқлайди: номзодлар ўз карьерасининг бошидаёқ ё судьялик, ёки прокурорлик йўлини танлаши шарт ва келажакда ушбу ролларни ўзгартира олмайдилар. Бундан кўзланган мақсад — судья ва прокурор ўртасидаги функционал яқинликни йўқотиб, суд жараёнида “тенглар ўртасидаги холис ҳакам” тамойилини кучайтиришдир.

Ҳозирда судья ва прокурорлар фаолиятини битта орган — Магистрантлар Олий Кенгаши бошқаради. Реформага кўра, у иккита алоҳида кенгашга бўлинади: бири судьялар учун, иккинчиси прокурорлар учун. Кенгаш аъзоларини сайлашда сиёсий лобби гуруҳлари ва ички “фракциялар” таъсирини бутунлай йўқ қилиш учун аъзоларни овоз бериш орқали эмас, балки қуръа ташлаш (жеребий) йўли билан аниқлаш таклиф этилмоқда.

Италия Конституциясининг 138-моддасига мувофиқ, ушбу референдум конституциявий характерга эга. Шу сабабли сайловчиларнинг неча фоизи қатнашишидан қатъий назар, референдум натижаси ҳақиқий деб топилади. Овоз берганларнинг оддий кўпчилиги (50% + 1 овоз) ислохотни ёқласа, у қонуний кучга киради.



14. Венгрия

Сайлов муддати: 12 апрель.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Миллий Ассамблеянинг 199 нафар аъзоси аралаш мажоритар тизим асосида икки хил усулда сайланади:

– депутатларнинг 106 нафари бир мандатли сайлов округларидан мажоритар тизим бўйича,

– 93 нафари эса ягона умумиллий округдан ўзгартирилган пропорционал тизим асосида аниқланади.

Сайлов чегараси алоҳида партиялар учун 5 фоиз, икки партияли коалициялар учун 10 фоиз, уч ва ундан ортиқ партиядан иборат иттифоқлар учун эса 15 фоиз этиб белгиланган.

2014 йилдан буён мамлакатдаги 13 та этник озчилик (жумладан, арман, болгар, хорват, немис, грек, поляк, румин, русин, серб, словак, словен ва украинлар) миллий рўйхатлар бўйича ажратилган 93 та ўриндан бирини қўлга киритиш имкониятига эга. Агар муайян миллий озчилик рўйхати имтиёзли квотага эриша олмаса, улар Миллий Ассамблеяга овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ўз вакилини юборишлари мумкин.



15. Кипр

Сайлов муддати: 24 май.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Вакиллар палатасининг 80 нафар аъзоси Кипрнинг олтита маъмурий туманига мос келадиган олтита кўп мандатли сайлов округларидан сайланади. Ҳар бир ҳудуд учун мандатлар сони ўша ердаги аҳоли сонига мувофиқ тақсимланади.

Умумий 80 та ўриндан 56 таси грек-кипрликлар, 24 таси эса турк-кипрликлар учун ажратилган. Бироқ 1963 йилдан бери турк-кипрликларга тегишли ўринлар бўш қолмоқда ва 1980-йилларда парламент кенгайтирилгандан сўнг, Вакиллар палатаси амалда (*де-факто*) 56 та ўриндан иборат бўлиб келмоқда.

Сайловлар очик рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида ўтказилади. Сайловчилар муайян партиёга овоз берадилар ва ўз округларидаги ҳар тўртта мандат учун битта номзодга преференциал овоз беришлари мумкин (парламентга сайланиш учун партиё раҳбарлари ёки коалиция етакчиларидан преференциал овоз тўплаш талаб этилмайди). Депутатлик ўринлари Хэйр квотаси усули билан тақсимланади. Қолган ўринлар камида битта мандатни қўлга киритган рўйхатлар ёки умуммиллий миқёсда камида **3,6 фоиз** овоз тўплаган партиёлар ўртасида тақсимланади.



16. Арманистон

Сайлов муддати: 7 июнь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: бир палатли Миллий Ассамблея ўзига хос мураккаб сайлов тизими орқали шакллантирилиб, ундаги камида 101 та депутатлик ўрни ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида тақсимланади ва зарурат туғилганда қўшимча мандатлар ҳисобига депутатлар сони ортиши мумкин.

Сайлов қонунчилигига кўра, парламентга кириш учун алоҳида сиёсий партиёлар 4 % лик, икки ва уч партиядан иборат блоklar 8 % лик, тўрт ва ундан ортиқ партиёли иттифоқлар эса 10 % лик сайлов чегарасидан ўтишлари шарт, бироқ сайлов натижаларидан қатъий назар, парламентда ҳар доим камида учта сиёсий куч иштирок этиши давлат томонидан кафолатланади.

Тизимда ижтимоий ва миллий тенгликни таъминлаш мақсадида ассирияликлар, курдлар, руслар ва язидийлар каби миллий озчиликлар учун тўртта махсус мандат ажратилган ҳамда партиё рўйхатларида ҳар бир жинс вакилларининг улуши камида 33 фоиз бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу тизимнинг энг муҳим жиҳати “барқарор парламент кўпчилиги”ни таъминлаш механизми бўлиб, агар ҳолиб партия кўпчилик овозни олган бўлса-да, мандатларнинг 54 фоизидан камига эга бўлса, унга ушбу кўрсаткичга эришиш учун қўшимча “бонус” ўринлар тақдим этилади. Аксинча, агар бирор куч ўринларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини эгаллаб олса, муҳолифат улушини камида учдан бир қисмга етказиш учун бошқа партияларга қўшимча мандатлар берилиб, ҳолиб партиянинг улуши камайтирилади. Агар сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинганидан кейин олти кун ичида барқарор кўпчиликка эга ҳукумат шакллантирилмаса, 28-куни энг кўп овоз олган икки партия ўртасида иккинчи тур ўтказилади ва унда ҳолиб бўлган куч парламентдаги 54 фоизлик кўпчиликни қўлга киритиш учун зарур бўлган қўшимча ўринларга эга бўлади.




17. Швеция

Сайлов муддати: 13 сентябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Швеция парламенти — Риксдаг 349 та депутатлик ўрнидан иборат бўлиб, улар очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади ва бунда партиялар учун миллий даражада 4 фоизлик ёки алоҳида сайлов округи доирасида камида 12 фоизлик сайлов чегараси белгиланган.

Умумий мандатларнинг 310 таси 2 тадан 40 тагача ўринга эга бўлган 29 та сайлов округидан сайланса, қолган 39 таси миллий миқёсда 4 фоизлик тўсиқдан ўтган партияларнинг умумий овозлар нисбатини адолатли таъминлаш учун “тенглаштирувчи мандатлар” сифатида тақсимланади ва муайян округларга бириктирилади. Агар бирор партия ўзига тегишли бўлган умумий улушдан кўпроқ округ мандатларини қўлга киритса, пропорционалликни сақлаш мақсадида мандатлар қайта тақсимланиши мумкин.



18. Россия

Сайлов муддати: 18-20 сентябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими Депутатлик ўринлари параллель овоз бериш тизими орқали тақсимланади. Унга кўра, жами ўринларнинг ярми (225 таси) 5 фоизлик сайлов чегараси қўлланган ҳолда, пропорционал вакиллик тизими бўйича сиёсий партиялар рўйхати асосида сайланади. Қолган 225 та ўрин эса бир мандатли сайлов округларида мажоритар тизим (нисбий кўпчилик овози) асосида шакллантирилади.

Пропорционал тизим бўйича номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши мумкин. Партия рўйхатлари камида 200 ва кўпи билан 400 нафар номзоддан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, партиявий рўйхат федерал ва минтақавий қисмларга бўлинади. Бунда федерал қисмга 15 нафаргача номзод киритилиши мумкин бўлса, минтақавий гуруҳлар сони 35 тадан кам бўлмаслиги ва улар бутун Россия ҳудудини қамраб олиши талаб этилади.

Мажоритар тизим қўлланиладиган округларда номзодлар ҳам сиёсий партиялар томонидан, ҳам ўзини-ўзи кўрсатиш тартибида илгари сурилиши мумкин. Ўзини-ўзи кўрсатган номзодлар ҳужжатларини бевосита округ сайлов комиссияларига топширадилар. Рўйхатдан ўтиш учун бундай номзодлар тегишли сайлов округидаги сайловчиларнинг камида 3 фоизи миқдорида, агар округдаги сайловчилар сони 100 мингдан кам бўлса, камида 3000 та имзо тўплашлари шарт.

Қонунчиликка кўра, бир шахс айна бир вақтда ҳам партиявий рўйхат, ҳам бир мандатли округ бўйича номзод сифатида иштирок этиши мумкин. Агар номзод иккала йўналишда ҳам ғолиб деб топилса, у мандатлардан бирини танлаши лозим бўлади. Одатда, бундай ҳолатда партиявий рўйхат орқали бериладиган ўриндан воз кечилади, чунки бу мандат партия ихтиёрида қолади ва рўйхатдаги навбатдаги номзодга топширилади.



19. Мэн ороли

Сайлов муддати: 24 сентябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Вакиллар палатасининг 24 нафар аъзоси 12 та сайлов округидан сайланади, бунда ҳар бир округга 2 тадан мандат ажратилган.

Сайловлар кўп мандатли округларда ўтказилмайдиган кўп овозли тизим асосида бўлиб ўтади; унга кўра, ҳар бир сайловчи иккита овозга эга бўлади (бироқ иккала овозни ҳам ишлатиш мажбурий эмас). Умумий сайловлардан сўнг, Вакиллар палатасининг тақдимномасига биноан мамлакатнинг Бош вазири тайинланади.



20. Латвия

Сайлов муддати: 3 октябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Сеймнинг 100 нафар аъзоси Латвия минтақаларига асосланган ва 12 тадан 36 тагача мандатга эга бўлган бешта кўп мандатли сайлов округларидан очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Мандатлар миллий миқёсда 5 фоизлик сайлов чегараси белгиланган ҳолда тақсимланади. Сайловчилар ўзлари овоз берган рўйхатдаги номзодлар учун “махсус овозлар” беришлари мумкин. Бу жараён маъқулланган номзод исми ёнига плюс (+) белгисини қўйиш ёки номзодга қарши бўлганда унинг исмини ўчириб ташлаш орқали амалга оширилади. Ҳар бир номзод учун берилган овозлар сони — партия рўйхатига берилган овозлар ва номзоднинг ижобий овозлари йиғиндисидан унинг салбий овозларини айириб ташлаш орқали ҳисобланади. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар ўз партиясига ажратилган ўринларни эгаллайди.



21. Босния ва Герцеговина

Сайлов муддати: 4 октябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими: Босния ва Герцеговина Президиумининг уч нафар аъзоси нисбий кўпчилик овоз бериш тизими асосида сайланади. Серб Республикаси сайловчилари Президиумнинг серб миллатига мансуб вакилини, Босния ва Герцеговина Федерацияси сайловчилари эса босняк ва хорват аъзоларини сайлайдилар. Федерация ҳудудида рўйхатдан ўтган сайловчилар ё босняк, ёки хорват номзоди учун овоз беришлари мумкин, бироқ бир вақтнинг ўзида иккала сайловда қатнашиш тақиқланади.

Босния ва Герцеговина Президиуми – мамлакатнинг жамоавий олий ижроия органи бўлиб, у яқкабошчилик асосидаги давлат раҳбари лавозимида муқобил тузилма сифатида фаолият юритади. Конституциянинг 5-моддасига мувофиқ, Президиум таркиби тўрт йил муддатга бир вақтда сайланувчи уч нафар аъзодан ташкил топади; бунда бир нафар босняк ва бир нафар хорват вакили Босния ва Герцеговина Федерациясидан, бир нафар серб вакили эса Серб Республикасидан сайланиши белгиланган. Президиумга Раис бошчилик қилади ва сайлов якунларига кўра энг кўп овоз тўплаган аъзо дастлаб ушбу лавозимни эгаллайди, шундан сўнг ҳар 8 ойда аъзоларнинг навбатма-навбат алмашилиши (ротация) таъминланади, бу эса мамлакатдаги этник гуруҳлар ўртасида сиёсий тенгликни сақлашга хизмат қилади.

Босния парламентининг қўйи палатаси ҳисобланган Вакиллар палатаси 42 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар субъектлар даражасида пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Брчко округида рўйхатга олинган сайловчилар ўз хоҳишларига кўра Серб Республикаси ёки Федерация сайлов округлари учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Федерация парламентга 28 нафар вакил юборади, Серб Республикаси эса 14 нафар депутат билан иштирок этади.

Федерацияга тегишли 28 та мандатдан 21 таси бешта кўп мандатли (3 тадан 6 тагача ўринга эга) сайлов округларидан сайланади, қолган еттита ўрин эса пропорционалликни таъминлаш мақсадида Сент-Лагю усули бўйича компенсация мандатлари сифатида тақсимланади. Серб Республикасининг 14 нафар депутатидан тўққиз нафари сайлов округларидан (ҳар биридан 3 тадан депутат), беш нафари эса субъект миқёсидаги тенглаштирувчи мандатлар орқали сайланади. Сайлов чегараси 3 фоиз этиб белгиланган.



22. Чехия

Сайлов муддати: 9-10 октябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент юқори палатаси.

Сайлов тизими: Сенат 81 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар 81 та бир мандатли сайлов округларидан сайланади. Сенат таркибининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгилаб борилади ва сенаторлар олти йил муддатга фаолият юритадилар.

Сенаторлар икки босқичли тизим асосида сайланади. Бунда биринчи турда жами ҳақиқий овозларнинг 50 фоиздан кўпроғини қўлга киритган номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар номзодларнинг ҳеч бири ушбу чегарага эриша олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади ва унда кўпроқ овоз олган номзод ғолиб деб топилади.

Номзодлар рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши ёки мустақил равишда иштирок этишлари мумкин, бироқ мустақил номзодлар ўз сайлов округларидаги камида 1 000 нафар сайловчининг имзосини тақдим этишлари шарт. Сенат сайловларида номзод сифатида иштирок этиш учун энг кичик ёш чегараси 40 ёш, овоз бериш ҳуқуқи эса 18 ёш этиб белгиланган.



23. Дания

Сайлов муддати: октябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Дания парламенти — Фолкетинг 179 нафар аъзодан иборат бўлиб, улардан 175 нафари Даниянинг ўз ҳудудидан, 2 нафари Фарер оролларида ва 2 нафари Гренландиядан сайланади.

Данияга ажратилган 175 та ўриннинг 135 таси мамлакатнинг ўнта кўп мандатли сайлов округи бўйича пропорционал вакиллик тизими ва Д'Ондт усули асосида тақсимланади. Қолган 40 та ўрин эса округ мандатлари тақсимотидаги номутаносибликларни бартараф этиш ва партияларнинг умумий овозлар сонига мос равишда вакилликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида “тенглаштирувчи мандатлар” сифатида ажратилади. Ушбу тенглаштирувчи мандатларга эга бўлиш учун сиёсий партиялар миллий миқёсда камида 2 фоизлик сайлов чегарасидан ўтишлари шарт.

Янги ташкил этилган партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши учун аввалги сайловда берилган ҳақиқий овозлар умумий миқдорининг 1/175 қисмига тенг бўлган миқдорда сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаши талаб этилади.



24. Болгария

Сайлов муддати: 8 ноябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими: Президенти икки босқичли тизим асосида сайланади. Бунда биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири мутлақ кўпчилик овозни қўлга кирита олмаса ёки ғалиб номзод кўпчилик овоз тўплаган тақдирда ҳам сайловчиларнинг умумий иштироки 50 фоиздан паст бўлса, энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади.

Тарихий маълумотларга кўра, Болгарияда ҳали бирор номзод биринчи босқичнинг ўзидаёқ ғалаба қозонишга муваффақ бўлмаган. 2016 йилдан эътиборан сайлов бюллетенларига “ҳеч кимни қўллаб-қувватламайман” деган махсус танлов банди ҳам киритилган бўлиб, у сайловчиларнинг сиёсий тизимга нисбатан ўз муносабатини ифодалашига имкон беради. Президентликка номзод бўлиш истагидаги шахс фақатгина Болгария фуқароси бўлиши, сайлов кунига қадар 40 ёшга тўлган бўлиши ва охириги беш йил давомида мамлакатда доимий яшаган бўлиши талаб этилади.



25. Болгария

Сайлов муддати: номаълум (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими: Миллий Ассамблеянинг 240 нафар аъзоси 4 тадан 19 тагача мандатга эга бўлган 31 та кўп мандатли сайлов округларидан очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланди. Барча партиялар ва сайлов коалициялари учун 4 фоизлик сайлов чегараси белгиланган бўлиб, депутатлик ўринлари Хэйр квотаси ва “энг катта қолдиқ” усули ёрдамида тақсимланди.

III. АМЕРИКА ҚИТЪАСИ



26. Коста Рика

Сайлов муддати: 1 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент модификация қилинган (ўзгартирилган) икки босқичли тизим асосида сайланади. Унга кўра, номзод биринчи турда ғалаба қозониши учун камида 40 фоиз овоз тўплаши шарт. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири бу кўрсаткичга эриша олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод ўртасида иккинчи тур (ҳал қилувчи босқич) ўтказилади.

Қонунчилик ассамблеясининг 57 нафар аъзоси мамлакатнинг еттита провинциясига асосланган, 4 тадан 19 тагача мандатга эга бўлган кўп мандатли еттита сайлов округидан сайланади. Сайловлар ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими ҳамда энг катта қолдиқ усули асосида амалга оширилади.



27. Барбадос

Сайлов муддати: 11 февраль.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Ассамблея палатасининг 30 нафар аъзоси бир мандатли сайлов округларида оддий кўпчилик (мажоритар) овоз бериш тизими асосида сайланади.



28. Колумбия

Сайлов муддати: 8 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Вакиллар палатасининг 166 нафар аъзосидан 162 нафари мамлакат департаментларига асосланган 33 та кўп мандатли сайлов округларидан пропорционал вакиллик тизими орқали сайланади. Бунда депутатлик ўринлари энг катта қолдиқ усули ёрдамида тақсимланади. Қолган ўринлардан икkitаси афро-колумбияликлар жамоаси, биттаси маҳаллий туб аҳоли (ҳиндулар) жамоаси ва яна биттаси хориждаги колумбияликлар (экспатриантлар) учун ажратилган.

Сенатнинг 102 нафар аъзоси икки хил усул орқали сайланади:

– 100 нафар сенатор ягона умуммиллий сайлов округидан пропорционал вакиллик тизими асосида (ўринлар энг катта қолдиқ усули билан тақсимланади);

– 2 нафар сенатор Колумбиянинг туб аҳолиси учун ажратилган махсус икки мандатли сайлов округидан сайланади.



29. Перу

Сайлов муддати: 12 апрель.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Биринчи турда сайловчилар исталган номзод учун овоз беришлари мумкин. Агар номзодлардан бири биринчи турдаёқ 50 фоиздан кўп овоз тўпласа, у автоматик равишда ғолиб деб топилади ва иккинчи турга ҳожат қолмайди. Акс ҳолда, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иккинчи турда иштирок этади ва унда нисбий кўпчилик овоз олган номзод президент этиб сайланади.

Депутатлар палатасининг 130 нафар аъзоси 27 та кўп мандатли сайлов округларидан очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими орқали сайланади. Конгрессга кириш учун партиялар миллий даражада 5 фоизлик сайлов чегарасидан ўтишлари ёки битта сайлов округида камида еттита мандатни қўлга киритишлари шарт.

Сенатнинг 60 нафар аъзоси иккита алоҳида сайлов орқали:

- 33 нафар сенатор умуммиллий округдан пропорционал вакиллик тизими асосида;

- 27 нафар сенатор бир мандатли округлардан мажоритар тизим асосида сайланади.

Перу, шунингдек, Анд парламентида бешта ўринга эга бўлиб, ушбу депутатлар ягона умуммиллий округдан очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими орқали сайланадилар.



30. Колумбия

Сайлов муддати: 31 май.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент тўрт йил муддатга икки босқичли тизим асосида сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири кўпчилик овозга эга бўлмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади. Вице-президент президент билан бир вақтда сайланади. Президентлар фақат бир марталик тўрт йиллик муддат билан чекланган. Конституциянинг 191-моддасига кўра, номзод туғилишидан Колумбия фуқароси ва камида ўттиз ёшда бўлиши талаб этилади.

2015 йилдаги 2-сонли Қонунчилик актига кўра, президентлик сайловларида иккинчи ўринни эгаллаган номзодга Сенатдан ўрин берилади, унинг вице-президентликка номзоди эса Вакиллар палатаси аъзосига айланади.



31. Гаити

Сайлов муддати: 30 август.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади, бунда биринчи турда ҳеч бир номзод мутлақ кўпчилик овозни қўлга кирита олмаса, иккинчи тур ўтказилади.

Мамлакат парламентининг қуйи палатаси бўлган Депутатлар палатасининг 119 нафар аъзоси тўрт йил муддатга бир мандатли сайлов округларидан ўзгартирилган икки босқичли тизим орқали сайланади. Ушбу тизимга кўра, номзод биринчи турда сайланиши учун ё 50 фоиздан кўп овоз олиши, ёки иккинчи ўриндаги рақибидан камида 25 фоизлик фарқ билан ўзиб кетиши шарт; агар ушбу талаблардан бири бажарилмаса, иккинчи тур ўтказилиб, унда энг кўп овоз тўплаган номзод ғолиб деб топилади.

30 нафар аъзодан иборат Сенат таркибининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгилаб борилади ва сенаторлар мамлакат департаментларига асосланган ўнта бир мандатли округлардан икки босқичли тизим орқали сайланадилар. Бўлажак сайловларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир департаментда энг кўп овоз тўплаган номзод олти йил, иккинчи ўринни эгаллаган номзод тўрт йил ва учинчи ўрин соҳиби икки йил муддатга сенаторлик ваколатига эга бўлади.



32. Багама

Сайлов муддати: сентябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Вакиллар палатаси аъзолари бир мандатли сайлов округларидан мажоритар тизим асосида сайланади. Сайлов натижаларига кўра парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партия ўз етакчисини Бош вазир лавозимига номзод сифатида танлайди ва у мамлакат Генерал-губернатори томонидан расман тайинланади.

Ҳозирда амалда бўлган тизимга кўра, Вакиллар палатаси 39 та сайлов округидан иборат бўлиб, уларнинг чегаралари ва сони ҳар беш йилда аҳоли сонининг ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқиши мумкин.



33. Бразилия

Сайлов муддати: 4 октябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент ва Вице-президент икки босқичли тизим асосида ягона рўйхатда сайланади. Сайловнинг биринчи турида жами ҳақиқий овозларнинг 50 фоиздан кўпроғини қўлга киритган номзод ғолиб деб топилади.


Агар номзодларнинг ҳеч бири ушбу чегарага эриша олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод октябрь ойининг охирига якшанбасида бўлиб ўтадиган иккинчи турда иштирок этади ва унда нисбий кўпчилик овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Бразилиянинг барча штатлари ва Федерал округ губернаторлари ҳамда вице-губернаторлари ҳам айнан шу саналарда ва худди шундай икки босқичли тизим асосида сайланади.

Бразилия Сенатининг 81 нафар аъзосидан учдан бир қисми ҳар тўрт йилда нисбий кўпчилик овоз бериш усули билан янгиланиб, ҳар бир штат ва Федерал округдан бир нафардан сенатор сайланади. Сенатнинг қолган учдан икки қисми эса аввалги сайлов циклида шакллантирилган бўлади.

Депутатлар палатасининг барча 531 нафар аъзоси штатлар ва Федерал округга мос келадиган, 8 тадан 70 тагача мандатга эга бўлган 27 та кўп мандатли сайлов округларидан сайланади. Шунингдек, Бразилия штатлари Қонунчилик ассамблеялари (штат депутатлари) ва Федерал округ Қонунчилик палатасининг (округ депутатлари) 24 тадан 94 тагача ўринга эга бўлган аъзолари ҳам айнан шу жараёнда аниқланади.

Ушбу сайловлар очиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида ўтказилиб, мандатлар бутун квоталар ва Д'Ондрт усули ёрдамида тақсимланади. Фернанду-ди-Норонья округ кенгашининг етти нафар аъзоси эса ўтказилмайдиган ягона овоз бериш тизими орқали сайланади ва Бразилиядаги бошқа лавозимлардан фарқли ўлароқ, ушбу кенгашга номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилмайди.



34. АҚШ

Сайлов муддати: 3 ноябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент (оралиқ сайловлар).

Сайлов тизими. Мазкур сайловларда АҚШ Конгрессининг 120-чақириқ таркибини белгилаш учун Вакиллар палатасидаги барча 435 та ўрин ҳамда Сенатдаги 100 тадан 35 таси (33 та асосий ва 2 та махсус сайлов) учун овоз берилади.

Мазкур сиёсий жараён доирасида АҚШ штатлари ва ҳудудларининг 39 нафар губернаторини сайлаш, шунингдек, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари даражасидаги кўплаб бошқа лавозимларни эгаллаш учун сайловлар ўтказилади.

АҚШ сайлов тизимида фуқаролар бевосита сиёсий партия учун эмас, балки аниқ бир номзод учун овоз берадилар. Мамлакатда амал қилувчи мажоритар овоз бериш тизимига кўра, бир мандатли сайлов округида нисбий кўпчилик овозни қўлга киритган номзод ғолиб деб эълон қилинади.

Номзодлар муайян партия байроғи остида сайловда қатнашишга шахсан қарор қилиб, рўйхатдан ўтиш бадалларини тўлайдилар; праймериз (дастлабки сайловлар) босқичида партия ташкилоти ягона номзод танлаб олингунига қадар қатъий бетарафликни сақлайди. Номзодлар ўзларининг сайлов кампанияларини ва маблағ тўплаш ишларини партия аппаратида мустақил тарзда бошқарадилар. Асосий партиялар учун праймеризлар штатлар томонидан ташкил этилади ва улар сайловчиларнинг партиявий мансублигини ҳам қайд этадилар. Бу жараён сайлов округлари чегараларини сиёсий мақсадларда ўзгартириш имконини беради.

IV. АФРИКА ҚИТЪАСИ



35. Бенин

Сайлов муддати: 11 январь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Миллий Ассамблеянинг 109 нафар аъзоси мамлакат департаментлари кесимида ташкил этилган 24 та кўп мандатли сайлов округларидан пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Депутатлик ўринлари оддий квота ва энг катта қолдиқ усули ёрдамида, 10 фоизлик сайлов чегараси билан тақсимланади. Сайловда иштирок этиш учун ҳар бир рўйхатдан 249 млн франк миқдорида гаров маблағи талаб этилади ва ушбу рўйхатлар барча сайлов округларида камида биттадан номзод кўрсатиши шарт.

2019 йилги конституциявий ислохотга мувофиқ, ўтиш даври чораси сифатида 2023 йилги сайловларда сайланган депутатларнинг ваколат муддати тўрт йилдан уч йилга қисқартирилган. Кейинги сайловлардан бошлаб эса ваколат муддати беш йил этиб белгиланган. Шунингдек, янги қоидаларга кўра, хотин-қизлар учун ҳар бир сайлов округидан биттадан, жами 24 та захира ўрин ажратилган ҳамда барча депутатлар учун кўпи билан уч муддатга сайланиш чекловлари жорий этилган.



36. Уганда

Сайлов муддати: 15 январь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Номзод биринчи турда сайланиши учун 50% + 1 миқдорида овоз тўплаши шарт.

2005 йилда президентлик ваколати муддатига қўйилган чекловлар бекор қилинган бўлиб, сайлов жараёни Уганда Сайлов комиссияси томонидан бошқарилади.

Парламент жами 529 та ўринга эга. Улардан 353 таси бир мандатли округларда мажоритар тизим асосида сайланувчи депутатлар учун ажратилган. Шунингдек, худди шу тартибда ҳар бир округдан бир нафардан, жами 146 нафар хотин-қизлар парламентга сайланади. Қолган 30 та депутатлик ўрни эса махсус сайлов коллегиялари томонидан қўйидаги тақсимот асосида тўлдирилади:

- Армия вакиллари — 10 та ўрин;
- Ёшлар вакиллари — 5 та ўрин;
- Нурунийлар — 5 та ўрин;
- Касаба уюшмалари — 5 та ўрин;
- Ногиронлиги бўлган шахслар — 5 та ўрин.

Муҳим жиҳати шундаки, юқоридаги ҳар бир ижтимоий гуруҳдан камида бир нафар аёл вакил (армия квотасида эса камида икки нафар) сайланиши қонунан белгилаб қўйилган.



37. Конго

Сайлов муддати: 22 март.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент беш йил муддатга сайланади ва унда кўпи билан икки марта қайта сайланиш имконияти мавжуд. Сайловда фақат ҳақиқий овозларнинг мутлақ кўпчилигини қўлга киритган номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар номзодларнинг ҳеч бири бундай кўпчилик овозга эга бўлмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод Конституциявий суд томонидан натижалар эълон қилинганидан йигирма бир кун ўтгач, иккинчи турда ўзаро беллашадилар.

2015 йилда ўтказилган референдум билан номзодлар учун белгиланган 70 ёшлик чеклов бекор қилинган.



38. Бенин

Сайлов муддати: 12 апрель.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент беш йил муддатга икки босқичли тизим асосида сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири кўпчилик овозни қўлга кирита олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод биринчи турдан кейин ўн беш кун ичида ташкил этиладиган иккинчи турда ўзаро беллашадилар. Президентлар, ҳатто кетма-кет бўлмаса ҳам, кўпи билан икки муддатга сайланиши мумкин.

2019 йил ноябрь ойида қабул қилинган конституциявий ўзгартиришга кўра, ҳар бир президентликка номзод вице-президентликка номзод билан биргаликда сайловда иштирок этиши шарт.

Вице-президент ҳам беш йил муддатга сайланади ва президентга нисбатан импичмент эълон қилинган ёки бошқа тўсиқлар юзага келган тақдирда, унинг ваколат муддатини якунлаш вазифаси юклатилади.

Шунингдек, 2019 йилги конституциявий ўзгартиришга кўра, номзодлар Парламент аъзолари ва мэрлар умумий сонининг камида 10 фоизи (тахминан 16 нафар мансабдор шахс) томонидан кўрсатилиши (қўллаб-қувватланиши) лозим.



39. Жибути

Сайлов муддати: апрель (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли сайлов тизими асосида беш йил муддатга сайланади. Сайловнинг биринчи турида номзодларнинг бири мутлақ кўпчилик овозни қўлга киритса, у сайланган деб ҳисобланади.

Агар бундай натижа қайд этилмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод ўртасида иккинчи тур ўтказилади ва унда кўпчилик овоз олган номзод ғолиб деб топилади.

2025 йилда қабул қилинган сўнгги конституциявий ислохотлар номзодлар учун белгиланган 75 ёшлик юқори ёш чегарасини ҳам олиб ташлаган, бу эса амалдаги давлат раҳбарига навбатдаги сайловларда олтинчи бор ўз номзодини қўйиш имконини берган.



40. Кабо-Верде

Сайлов муддати: 17 май.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Миллий Ассамблеянинг 72 нафар аъзоси 13 та кўп мандатли сайлов округидан сайланади, бунда ҳар бир округдаги депутатлик ўринлари сони аҳоли зичлигига қараб 2 тадан 15 тагачани ташкил этади.

Мазкур 13 та округдан учтаси махсус равишда хориждаги — Африка, Америка ва Европа қитъаларидаги диаспора вакиллари учун ажратилган. Парламент сайловлари ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида ўтказилиб, депутатлик мандатлари Д'Ондт усули ёрдамида тақсимланади.



41. Эфиопия

Сайлов муддати: 1 июнь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Халқ вакиллари палатасининг 547 нафар аъзоси беш йил муддатга умумий сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган тўғридан-тўғри, эркин ва адолатли сайловлар йўли билан сайланади. Палата аъзолари ҳар бир сайлов округидаги номзодлар орасидан овозларнинг нисбий кўпчилиги асосида сайланади. Конституцияга кўра, камида 20 та ўрин кам сонли миллатлар учун ажратилиши керак.



42. Жазоир

Сайлов муддати: июнь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Халқ Миллий Ассамблеясидаги 407 та ўрин пропорционал вакиллик тизими асосида мамлакатнинг 58 та вилояти ҳамда хориждаги диаспорани ифодаловчи битта округ, жами 59 та сайлов округи бўйича тақсимланади. Ҳар бир сайлов округига мандатлар сони аҳоли сонидан келиб чиқиб ажратилади. Хусусан, ҳар 120 минг нафар аҳолига битта ўрин ва қўшимча 60 минг нафардан ортиқ қолдиқ аҳоли сегменти учун яна битта ўрин берилади, бироқ ҳар бир округдаги мандатлар сони камида учта бўлиши шарт.

Сайловларда очиқ рўйхатлар тизими қўлланилиб, сайловчилар преференциал овоз бериш ҳуқуқига эга, яъни улар рўйхат ичидаги аниқ номзодларни танлашлари мумкин, лекин турли рўйхатлардаги номзодларни аралаштириб овоз беришга йўл қўйилмайди. Парламентга кириш учун 5 фоизлик сайлов чегараси белгиланган.



43. Сан-Томе ва Принсипи

Сайлов муддати: июль ойида (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида беш йил муддатга сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири 50 фоиздан кўп овоз ололмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида иккинчи тур ўтказилади. Мамлакатда президентлик роли асосан вакиллик (церемониал) хусусиятига эга бўлиб, асосий ижро этувчи ҳокимият Бош вазир қўлида жамланган.



44. Замбия

Сайлов муддати: 13 август.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли сайлов тизими асосида сайланади.

2025 йилда конституцияга киритилган ўзгартиришлардан сўнг, Янги жорий этилган аралаш пропорционал вакиллик тизимига мувофиқ, Миллий Ассамблея аъзоларининг умумий сони сезиларли даражада оширилиб, эндиликда 226 нафар депутат бир мандатли округлардан мажоритар тизим асосида сайланади.

Шунингдек, президентлик сайловидаги овозлар нисбатига қараб пропорционал равишда 40 та қўшимча мандат тақсимланади ва ушбу ўринларнинг 20 таси аёллар, 15 таси ёшлар ҳамда 5 таси ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус захираланган.

Бундан ташқари, президент томонидан тайинладиган аъзолар сони 11 нафаргача кўпайтирилган, шунингдек, вице-президент, Спикер ҳамда биринчи ва иккинчи Спикер ўринбосарлари ҳам палата таркибига киради.



45. Сан-Томе ва Принсипи

Сайлов муддати: сентябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Миллий Ассамблеянинг 55 нафар аъзосидан 53 нафари мамлакатнинг еттита округига асосланган кўп мандатли сайлов округларидан ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими бўйича сайланади. Хориждаги сайловчилар (диаспора) учун эса иккита алоҳида бир мандатли сайлов округи (Европа ва Африка) ажратилган.



46. Марокаш

Сайлов муддати: сентябрь (расман эълон қилинмаган).

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Вакиллар палатаси 395 та депутатлик ўрнига эга бўлиб, улар пропорционал вакиллик тизими асосида икки босқичда сайланади. 305 та ўрин 92 та кўп мандатли маҳаллий округлардан (ҳар бир округга 2 тадан 6 тагача ўрин), қолган 90 та ўрин эса Марокашнинг 12 та маъмурий ҳудуди асосидаги округлардан (ҳар бир округга 3 тадан 12 тагача ўрин) шакллантирилади. Минтақавий рўйхатлар бўйича ажратилган ушбу 90 та ўриннинг камида учдан бир қисми аёллар учун кафолатланган бўлиб, улар ҳар бир партиявий рўйхатда биринчи ва иккинчи номзод сифатида кўрсатилиши шарт.

Сайловлар 2021 йилда қабул қилинган янги қонун асосида ўтказилади. Ушбу қонунга кўра, илгари маҳаллий рўйхатлар учун 6 фоиз ва миллий рўйхатлар учун 3 фоиз миқдорида бўлган сайлов чегараси бутунлай бекор қилинган.

Янги тартибнинг энг муҳим жиҳати шундаки, мандатларни тақсимлаш учун ҳисоб-китоблар ҳақиқатда овоз берганлар сонидан эмас, балки рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий сонидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу шуни англатадики, муайян округда энг кўп овоз тўплаган партия биттадан ортиқ депутатлик ўрнини қўлга кирита олмайди, бу эса парламентда сиёсий хилма-хилликни оширишга хизмат қилади.



47. Кабо-Верде

Сайлов муддати: 15 ноябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Президентликка номзодларга нисбатан қатъий талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра номзод келиб чиқишига кўра Кабо-Верде фуқароси бўлиши ва бошқа давлат фуқаролигига эга бўлмаслиги, номзод кўрсатилган санада 35 ёшдан ошган бўлиши ҳамда сайловдан олдинги охириги уч йил давомида мамлакатда доимий яшаган бўлиши шарт. Номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза тасдиқлаш учун Конституциявий судга тақдим этилади ва у камида 1 000 нафар, кўпи билан 4 000 нафар сайловчининг имзоси билан қўллаб-қувватланиши талаб этилади.



48. Гамбия

Сайлов муддати: 5 декабрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент.

Сайлов тизими. Президент бир босқичли мажоритар тизим асосида беш йил муддатга сайланади. Мамлакатда саводхонлик даражаси паст бўлган даврларда жорий этилган ва дунёда ягона ҳисобланган мармар тошлар орқали овоз бериш тизими ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Сайлов куни рўйхатдан ўтган фуқаролар ўз сайловчи картасини тақдим этгач, уларнинг чап кўрсаткич бармоғи ўчмайдиган сиёҳ билан белгиланади. Одатий қоғоз бюллетенлар ўрнига ҳар бир сайловчига битта мармар тош (шарик) берилади. Сайлов кабинаси ичида ҳар бир номзод учун алоҳида металл барабанлар ўрнатилган бўлиб, улар номзоднинг партияси рангига бўялган ва унда номзоднинг сурати акс эттирилган бўлади.

Сайловчи ўзи танлаган номзоднинг барабани тепасидаги махсус найчага мрамар тошни ташлайди. Тош барабан ичига тушганда қўнғироқ овози эшитилади — бу овоз бериш жараёни муваффақиятли якунланганини билдиради ва бир вақтнинг ўзида бир кишининг бир неча бор овоз беришини (қўнғироқ қайта чалиниши орқали) олдини олади.

Овозларни ҳисоблаш жараёни ҳам ўта содда ва тезкор: барабанлар очилиб, мрамар тошлар 200 ёки 500 та тешиги бўлган махсус тахталарга тўкилади. Бу усул инсон омили билан боғлиқ хатоларни кескин камайтиради ва натижалар одатда сайловнинг эртасигаёқ маълум бўлади. Тизимнинг арзонлиги, соддалиги ва фирибгарликка чидамлилиги халқаро кузатувчилар томонидан юқори баҳоланган.



49. Гвинея-Бисау

Сайлов муддати: 6 декабрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Сайлов қонунчилигининг 33-моддасига кўра, ҳар қандай жамоатчилик фикри сўровномаларини (рейтингларни) эълон қилиш тақиқланади.

Миллий Халқ Ассамблеясининг 102 нафар аъзоси икки хил усул билан сайланади: 100 нафари 27 та кўп мандатли сайлов округларидан ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими бўйича ва 2 нафари Африка ҳамда Европадаги хорижда яшовчи фуқароларни ифодаловчи бир мандатли сайлов округларидан.



50. Жанубий Судан

Сайлов муддати: 22 декабрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли тизим асосида сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири ҳақиқий овозларнинг ярмидан кўпини қўлга кирита олмаса, 60 кун ичида энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида иккинчи тур ўтказилади.

Миллий Қонунчилик Ассамблеясининг 332 нафар аъзосининг 158 нафари бир мандатли округлардан мажоритар тизим асосида, 110 нафари миллий даражадаги аёллар рўйхатидан, 47 нафари эса умумий партиявий рўйхатлардан пропорционал вакиллик тизими орқали сайланади. Қолган 17 нафар аъзо президент томонидан тайинланади. Шу сабабли, ҳар бир сайловчига учта бюллетень (бир мандатли округ, аёллар рўйхати ва умумий рўйхат учун) берилади. Пропорционал ўринларга эга бўлиш учун партиялар камида 4 фоизлик сайлов чегарасидан ўтишлари шарт.



51. Камерун

Сайлов муддати: номаълум.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Миллий Ассамблеянинг 180 нафар аъзоси мамлакатнинг маъмурий департаментларига асосланган 58 та бир ва кўп мандатли сайлов округларидан сайланади. Бир мандатли округларда оддий кўпчилик овоз беришга асосланган мажоритар тизим қўлланилади. Кўп мандатли округларда эса ёпиқ рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизимининг ўзига хос ўзгартирилган шакли амал қилади. Унга кўра, агар бирор сиёсий партия муайян округда 50 фоиздан кўп овоз тўпласа, ушбу округдаги барча мандатларни қўлга киритади.

Агар ҳеч бир партия 50 фоизлик кўрсаткичга эриша олмаса, энг кўп овоз тўплаган партияга мандатларнинг ярми (бонус сифатида) берилади, қолган ўринлар эса 5 фоизлик сайлов чегарасидан ўтган бошқа партиялар ўртасида Хэйр квотаси ва энг катта қолдиқ усули асосида пропорционал равишда тақсимланади.



52. Ливия

Сайлов муддати: номаълум.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: президент ва парламент.

Сайлов тизими. Президент икки босқичли сайлов тизими асосида сайланади. Агар биринчи турда номзодларнинг ҳеч бири мутлақ кўпчилик овозни қўлга кирита олмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида иккинчи тур ўтказилади.

Ливиянинг 200 нафар аъзодан иборат Миллий Конгресси 13 та асосий сайлов округига бўлинган 75 та кичик сайлов округлари орқали шакллантирилади. Мамлакатдаги ички сиёсий кескинликни юмшатиш ва турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни камайтириш мақсадида, сайловларда партиявий рўйхатлар тизимидан воз кечилган бўлиб, барча номзодлар фақат индивидуал (мустақил) тартибда иштирок этадилар.



53. Янги Зеландия

Сайлов муддати: 7 ноябрь.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Вакиллар палатасини шакллантириш учун аралаш пропорционал сайлов тизими қўлланилади. Унга кўра ҳар бир сайловчи иккита овозга эга бўлади: бири сиёсий партия учун, иккинчиси эса маҳаллий номзод учун. Парламентдан жой олиш учун партиялар камида 5 фоизлик миллий овоз тўплаши ёки камида битта сайлов округида ғалаба қозониши шарт. Одатда 120 та ўриндан иборат бўлган парламентнинг 71 таси мажоритар тизим бўйича округлардан сайланган депутатлар билан тўлдирилса, қолган 49 та ўрин партияларнинг умумий овозлар нисбатига қараб уларнинг ёпиқ рўйхатлари асосида тақсимланади. Агар бирор партия ўзига тегишли бўлган умумий мандатлар сонидан кўпроқ округда ғолиб чиқса, “ортиқча мандатлар” юзага келади ва бундай ҳолатда парламентдаги умумий ўринлар сони вақтинчалик кўпайтирилади.



54. Фижи

Сайлов муддати: номаълум.

Сайлов ўтказиладиган вакиллик органи: парламент.

Сайлов тизими. Фижи парламенти аъзолари ягона умумиллий сайлов округи бўйича очик рўйхатдаги пропорционал вакиллик тизими асосида сайланади. Парламентга кириш учун сиёсий кучлардан 5 фоизлик сайлов чегарасидан ўтиш талаб этилади ва мандатлар Д'Ондт усули ёрдамида тақсимланади.

